

Нормуродова Музффара Адхамовна

Ассистент кафедры физического воспитания

Самаркандского государственного института

иностранных языков

Normurodova Muzaffara Adhamovna

Assistant of the Department of physical education

of the Samarkand State institute of foreign languages

**ЭЧКИЛАР ИММУН СТАТУСИГА ВА ҚОНИНИНГ МОРФОЛОГИК
КҮРСАТКИЧЛАРИГА ОРГАНИЗМИНИНГ ФИЗИОЛОГИК
ХОЛАТЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

**INFLUENCE OF THE PHYSIOLOGICAL PROPERTIES OF THE
ORGANISM ON THE IMMUNE STATUS AND MORPHOLOGICAL
INDICATORS OF GOAT BLOOD**

Аннотация. В связи с изменением физиологического состояния организма, в крови козоматок в определенной степени наблюдаются изменения общего количества форменных элементов, но эти изменения происходит в пределах физиологических норм.

Ключевые слова. Козы, животные, экологические нормы, породы, кормление, иммуностатус, гематологические показатели, эритроцит, лейкоцит, гемоглобин, гранулоциты, агронулоциты.

Summary: Due to changes in the physiological state of the body, the blood kozomatomok certain degree of observed changes in the total number of formed elements, but the change is within the physiological range.

Key words: goats, animal, ecological norms, feeding, immunostatus, hematological parameters, erythrocyte, leukocyte, hemoglobin, granulocytes, agranulocytes.

Мавзунинг долзарбилиги (актуальность проблемы). Эчкичилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб мамлакатни момик жун, сут, гўшт ва пойафзалбоп тери каби маҳсулотлар билан таъминловчи асосий жабҳа ҳисобланади. Эчкиларнинг маҳсулот йўналиши бўйича момик жун, сут ва гўшт берадиган зотлари фарқланади. Мамлакатимизда урчитилаётган зотларни барчаси етарлича озиқа массалари билан таъминланса ва улар ўз организми эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқа бирлиги, алмашинувчи энергия ва ҳазмланувчи оқсиllар миқдорини олгандагина, бу ҳайвонлардан генетик жиҳатдан имкониятда бўлган маҳсулотларни олиш билан бирга ва келгусида подани тўлдириш учун соғлом улоқ олиш мумкин [1 с, 21]. Лекин келтирилган муаммоларнинг ҳалигача ўзининг ижобий ечимини топмаётганлигининг асосий сабаби, ҳайвонларни озиқлантириш ва селекция ишларини ўз оқимига ташлаб қўйилиши, табиий яйловларнинг кескин қисқариши, яйловларда ўсаётган ўт-ўланларнинг ботаник ва кимёвий таркибининг ўзгариши, яйловлар маҳсулдорлигининг пасайиб кетганлигидир. Иккинчи томондан экологик жиҳатдан нокулай - озиқавий, иқлимий омилларнинг салбий таъсири турли физиологик ҳолатларда бўлган ҳайвонларнинг табиий шароитга чидамлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, норма асосида ва нормасиз озиқлантирилган эчкилар организмида кечеётган иммунологик кўрсаткичларни назорат қилиш ва уни биологик жиҳатдан тушунтириб бериш ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида чорвачиликни ривожлантиришда муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади [6 с, 23].

Мавзунинг материали ва усуслари (материал и методы исследования). Экспериментал тадқиқот ишлари Ургут тумани «Зафар, Сарвар ва Санжаржон» фермер хўжалиги шароитида норма асосида ва нормасиз озиқлантирилаётган она эчкилардан ҳар бирида 5 бошдан иккита гуруҳ ташкил қилиниб, гурухдаги ҳайвонларни танлаб олиш «гурухлар – даврлар» (А.И.Овсянников 1976) усулига мос ҳолда амалга оширилди. Эчкилар қонидаги шаклли элементларни миқдорига, иммунологик кўрсаткичларига

озиқлантириш ва ҳайвонларнинг физиологик ҳолатларининг таъсири қиёсий ўрганилди [5 с, 10-21]. Ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари организмдаги моддалар алмашинувининг кечиш жадаллигига ўзининг таъсирини кўрсатади ва бу таъсир натижасида қон таркибидаги шаклли элементларнинг умумий миқдорини ва уларнинг айрим хусусиятларини ўзгаришига олиб келади. **Ишнинг мақсади ва вазифалари** (Цель и задачи исследовании). ишимизнинг асосий мақсади Ўзбекистон шароитида норма асосида ва нормасиз озиқлантирилаётган эчкilarни қон кўрсаткичларига турли физиологик даврларнинг таъсирини қиёсий ўрганишдан иборат бўлди.

Кўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги конкрет вазифаларни бажариш белгилаб олинди.

- тажрибадаги ҳайвонларни бўғозлик муддатларини аниқлаш;
- сут бериш даврининг муддатларига қараб эчкilarlar қон таркибини ўзгаришини қузатиб бориш.

Эчкilar бўғозлик муддатларини аниқлаш учун чорвачиликда кенг кўлланиладиган усуллардан фойдаландик. Қон таркибидаги шаклли элементларнинг умумий миқдорини санаш учун кафедрада В.И.Георгиевский (1990) томонидан таклиф қилинган усулдан фойдаландик. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш учун Е.К.Меркуьев (1971) усулидан фойдаландик [3 с, 56; 4 с, 35]. Таҳлил учун қон эрталаб - наҳорда, эчкilar эрталабки озиқлантиришгacha уларнинг буйунтуруқ венасидан 5 мл ҳажмида олинди. Экспериментал тадқиқот ишлари Ургут туманидаги фермер хўжаликларида урчитилаётган 3,5-4 ёшли маҳаллий жайдари эчкilarда олиб борилди.

Тадқиқот ишининг натижалари ва уларнинг муҳокамаси (результаты и их обсуждение). Олинган натижаларга кўра, эчкilarнинг бўғозлик даврида олиб борган текширишларимизнинг натижаларига кўра, бўғозлик даврининг бошланғич ойларида эритроцитларнинг умумий миқдори ўртacha 1 mm^3 қон таркибида 5,96 млн. ни ташкил этган бўлса, бўғозликнинг охирида 6,48 млн.ни ташкил этди. Сут бериш даврида эса кўрсаткичларнинг

камайиши кузатилди. Қон таркибидаги гемоглобиннинг концентрацияси эса мос ҳолда 118,7 ва 121,7 г/л ни ташкил этди. Юқоридагидек ҳолат лактация даврида қондаги гемоглобин концентрациясида кузатилди. Лактация даврининг бошланишида қон таркибидаги эритроцитларнинг умумий микдори бўғозлик давридагига нисбатан ўзаро мос ҳолда 5,2 ва 4,1 % га кам бўлиши аниқланди. Қон таркибидаги гемоглобиннинг умумий концентрацияси бўйича ҳам аналогик маълумотлар олинди.

1-жадвал

Тажрибадаги эчкilarлар қонининг морфологик ва иммунологик кўrsatкичларининг ўзгариши

Кўrsatкичлар	Эчкilarни физиологик ҳолати	
	Бўғозлик	Лактация
Эритроцитлар, млн/мм ³	5,96-6,48	5,21-4,24
Гемоглобин, г %.	118,7-121,7	91,3 – 92,7
Лейкоцитлар,минг/ мм ³	8,0-9,1	7,9- 8,6
Гранулоцитлар, %.	41-46	56-58
Агронулоцитлар, %.	54-59	42-44

Олинган маълумотларнинг кўrsatiшича, эчкilar қонидаги шакли элементлар ва гемоглобиннинг концентрацияси физиологик норма чегарасида бўлди, бу эса ҳайвонларнинг соғлиги бутун эксперимент давомида нормада бўлганлигидан далолат беради. Лейкоцитлар микдорини маълум даражада камайишини эса, синтезланаётган сут таркибида катта микдорда иммун таначалар шаклида лейкоцитларнинг ажратилиши билан боғлик бўлса керак деб хисоблаймиз. Олинган маълумотларга кўра эчкilarнинг бўғозлик даврида қон таркибида лимфоцитлар микдорини ортиши (14 %) кузатилган бўлса, лактация даврида нейтрофилларнинг микдорини (13,5 %) ортиши кузатилди. Тажрибаларимиздан олинган маълумотлар турли Европа мамлакатлари ва Тожикистон шароитида олинган маълумотларга мос келади [1 с, 101; 7 с, 22].

Хулоса (заключение). Юқорида келтирилганлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, эчкilarнинг қони таркибидаги шаклли элементларнинг умумий микдори уларнинг физиологик ҳолатларига боғлиқ ҳолда маълум даражада ўзгаришга учрасада, бу ўзгариш физиологик норма чегарасида туради.

Фойдаланилган адабиётлар (Литература).

1. Анцибор Т. А. Влияние полноценного и неполноценного кормления коров матерей на иммунный статус новорождённых телят. Автореф. дисс. канд. биол. наук. Саратов.-2006. - с 20.
2. Винников Ветеринарная лабораторная диагностика. Саратов; «ФГОУВПО» Саратовский ГАУ» 2003.
3. Георгиевский В.И. Физиология сельскохозяйственных животных - М.: Агропромиздат.- 1990.- 512 с.
4. Меркульева Е.К. Биометрия в селекции и генетике сельскохозяйственных животных - М.: Колос. - 1970.
5. Овсянников А.И. Опытное дело в животноводстве. М. Колос. 1978 г.
6. Ражамурадов З.Т. Физиологические аспекты питания шерстных коз при круглогодовое пастбищное содержание в условиях Северного Таджикистана. Автореф. докт. дисс. 1992. пос. Дубровицы.
7. Султанов М.Г. Влияние полноценного и неполноценного кормления коров матерей на иммунный статус и сычужно-кишечное пищеварение у новорождённых телят. Автореф. дисс. канд. биол. наук. Саратов.- 2008. - с. 20.